



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 176 (12.737)

Баҳоси эркин нарҳда



ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Энг улуг ва энг азиз байрамимиз — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шукуҳи бутун мамлакатимизда, шу жумладан, шаҳримизнинг барча гўшаларида кезмоқда. Халқимизнинг бахтиёр чехрасига боқиб, азалий орзуларимизга эришганимиз, Истиқлол неъматини дилларни хушнуд этаётганини кўриш мумкин.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

Байрам шодиёналари пойтахтимиздаги барча маданият ва истироҳат боғларида, майдонларда, хийбонларда халқ сайилларига улаиб кетди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ва туман ҳокимликлари томонидан ташкиллаштирилган байрам сайиллари 11 та шаҳар майдонларининг 14 та саҳналарида кўтаринки руҳда ўтди.

Чилонзорликлар «Жону таним борлигим, фидо сенга жон Ватан!» деб номланган байрам сайили Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий ҳамда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғларида фойз-тароват ила ўтказилди.

Байрам шиорлари, баннерлар, шарлар, гуллар, байроқчалар билан безатилган боғларда янграган карнай-сурнай наволари Чилонзор тумани аҳлини бирдамликка, аҳилликка чорлаётгандек таассурот қолдирди.

Ёш кекса қувноқ куй, оҳанграбо кўшиқларга рақсга тушишди. Ёш спортчиларнинг кўргазмалари чиқишлари, миллий хунарамандлар томонидан яратилган санъат асарлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Юртимиз йилдан йилга чирой очмоқда, барча соҳаларда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг ҳаммаси Мустақиллиқнинг буюк неъматини туйғулди, — дейди Иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича Чилонзор туман ҳокими ўринбосари Акмал Қосимхўжаев. — Туманимиз аҳолиси учун иккита гўзал боғда байрам сайиллари ташкил этилди. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари ижросида янграган дилтортар куй ва кўшиқлар тадбир иштирокчилари

қалбидан ўрин олди. Атракционларда болажонларнинг мириқиб дам олаётганини кўриб, биз катталарнинг ҳам дилларимиз хушнуд бўлди...

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган халқ сайиллари **Миробод** туманида ҳам ўзига хос тарзда ўтди. Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғида эрта тонгдан янграган карнай-сурнай садолари туман аҳлининг қувончига қувонч қўшди.

Она юрт манзаралари тасвирланган кўргазмалар, эл севган санъаткорларнинг дилрабо куй-кўшиқлари, театр актёрлари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Шайхонтоҳур туманидаги Ўзбекистон Давлат цирки атрофидаги майдонда ҳам қизқарлик томошалар ташкил этилиб, халқ сайли ўтказилди.

— Ўзига хос тарзда ўтаётган халқ сайлига уч фарзандим билан келдик, — дейди уй бекаси Санобар Рустомова. — Фарзандларим жуда хурсанд. Фавворалар, болалар учун мўлжалланган атракционлар эртанинг эгалари бўлиш фарзандларимизнинг қувончига қувонч қўшмоқда. Шундай жаннатмакон юртда яшаётганимдан беҳад мамнунман.

— «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя асосидаги «Жону — таним борлигим, фидо сенга жон Ватан!» деб номланган умумхалқ сайлига катта тайёргарлик кўрилди, — дейди Шайхонтоҳур тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Зоҳида Умарова. — Бундан аввал тумандаги 49 та маҳаллада байрам

тадбирларини ўтказиб, аҳоли кайфиятининг кўтарилишига ўз ҳиссамизни қўшдик. Хадра майдонида ўтказилган маскур байрам дастурида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, тумандаги маданият ва аҳоли дам олиш маркази, Маданият ва спорт ишлари бош бошқармасининг хонандалари, театр актёрлари билан биргаликда ҳамшаҳарларимизга аъло кайфият бағишлаётганимиздан мамнунмиз. «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» спорт блокида «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг ёш спортчиларининг кўргазмалари чиқишлари барчага манзур бўлди.

Яккасарой туманидаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ҳам халқ сайли ўтказилиб, томошалар ташкил этилди. Дилтортар куй-кўшиқлар, ўйин-кулгу авж олган давраларда ҳамшаҳарларимизнинг шодлиғи қувончига шерик бўлди. Истиқлол нашидаси дилларни чарогон қилганидан барча-барчанинг боши осмонга етди.

Юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувлик ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат туйғулди. Пойтахтимизда фаолият олиб бораётган Республика Байналмилал маданият маркази жамоалари ҳар йили боғда анъанавий тарзда кутлуг байрамни ҳамжихатлик билан нишонлайдилар. Бу йили ҳам Республикаимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказлар томонидан ўзига хос бўлган урф-одатлар, миллий таомларни акс эттирувчи кўргазмалар намоиш қилинди, миллий куй-кўшиқлар ижро этилди.

(Давоми 2-бетда)

Билимлар куни

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ САДОЛАРИ

Бугун шаҳримиздаги барча таълим масканларида янги ўқув йили бошланди. Пойтахтимиз бўйича 42 мингдан ортиқ биринчи синф ўқувчиларига Президент совғалари ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида тарқатилди.

Мактабларда янграган қўнғиरोқ садолари ўқувчиларни жонажон билим масканлари бағрига чорлади. Келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимиз чехрасида чексиз шодлик. Улар қадрдон ўқув масканлари, меҳрибон устозлари томон ошқиммоқдалар. Биринчи синфга қадм қўйган жажжи кичкинтойларнинг қувончларини айтмайсизми.

Янги ўқув йили шодиёналари Энг улуг ва энг азиз байрам — Истиқлолимизнинг 23 йиллиги тантаналарига улаиб кетди.

Айтиш жоизки, кейинги пайтларда юртимизда жуда кўплаб янгидан-янги замонавий таълим масканлари бунёд этилди. Мавжудлар замон талаблари асосида қайта қурилди. Буларнинг бари Президентимиз раҳнамолигида ёш ав-

лод таълим-тарбияси, камолоти йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар самарасидир.

Янги ўқув йили Миробод туманидаги 110- умумтаълим мактабида ҳам шодиёна тарзда бошланди. Мактаб ҳовлиси ўқитувчилар, ота-оналар кўларига тутган анвойи гулларга бурканди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларни Истиқлолимизнинг 23 йиллиги байрами ҳамда янги ўқув йили бошланиши билан кутлашар экан, юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишди. Келгусида ўқувчиларнинг пухта билим олиб, жонажон Ўзбекистонимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишишига тилак билдиришди.



— Ўқув муассасамизда таълим сифати ва самарадорлигига алоҳида аҳамият қаратилади, — дейди 110-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Ойбекжон Қодиров биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда ўқув муассасамизга 346 нафар биринчи синф ўқувчилари қабул қилинди. Ёшларимизнинг мустаҳкам билим олиши, жисмонан соғлом бўлиб камолга етиши учун мактабимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

— Мен бугун биринчи синфга қабул қилиндим, — дейди кўзларида шодлик учкунлари порлаган жажжигина қизалоқ

Маржона Мирфайзова. — Келажакда аъло баҳоларга ўқиб, Ватанимга муносиб фарзанд бўламан...

Байрамона тарзда ўтган тадбирда мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастурлари барчага манзур бўлди. Шундан сўнг ўқувчиларнинг қалбига бир олам қувонч бағишлаб қўнғи-роқ садолари янгради. Янги ўқув йили барча синфларда мустақиллик дарслари билан бошланди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа
Ислом Исмоилов олган сурат



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бухоро вилоятининг Когон шаҳрида Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● «Нукус дехқон бозори» ОАЖ қошида йигирмадан ортиқ турдаги мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Бу каби ярмаркалар Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам ташкил этилган.

● Қашқадарё вилоятида жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари саккиз юз саксон иккитага кўпайди, уларнинг сони 20 минг 366 тага етгани, иқтисодиётда банд аҳолининг 77,3 фоизи ушбу секторда меҳнат қилаётгани қувонарлидир.

● Халқимиз Энг улуг, энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлашга қизгин тайёргарлик кўраётган шу кунларда Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Хитойнинг Куньшань шаҳрида мижозларга механик официантлар хизмат кўрсатадиган ресторан очилди. Бу ерда ҳатто таомларни ҳам роботлар пиширади.

● Машҳур Кембриж университети ўз сайтида «шоколад фанлари доктори» учун вакансия очилганини маълум қилди. Тадқиқотчи иссиқ иқлим шоколаднинг истеъмол хусусиятларига қандай таъсир кўрсатишини ўрганади. Бундан мақсад ҳарорат омилининг шоколаднинг сақланишига бўлган таъсирини камайтиришга эришишдир.

● Британиялик эр-хотин елканли қайиқда кичик саёҳатга чиқиб, Ирландия ва Испанияда қисқа таътил ўтказишни режалаштирган эди. Аммо уларнинг саёҳати 16 йилга чўзилиб кетди. Клайв Грин ва рафиқаси Жейн 1998 йилнинг июлида саёҳатга отланиб, уйга 2014 йилдагина қайтиб келишди.



ДИЛЛАРДА БАЙРАМ ШУКУҲИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

— Истиклолимизнинг 23 йиллик тўйига бағишланган байрам сайиллари ҳар йилгидан ҳам қизиқарли тарзда ўтмоқда, — дейди Яккасарой тумани Маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Улуғбек Йўлдошев. — Мазкур боғда нафақат мустақиллигимизнинг 23 йиллиги, балки Сеул боғининг очилиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Халқимизнинг бахтиёр чехрасига боқиб, диллар шодликка тўлади. Ўртимиз йилдан йилга чирой очмоқда. Ҳар бир соҳада катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда. Буларнинг бари мустақиллик туфайли. Бобур боғида иккита саҳнада байрам томошалари намойиш этилди. Аҳолимизга аъло кайфият улашиш мақсадида Олмазор ва Яккасарой туманининг бадий жамоалари, маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг хонандалари, рақс дасталари ўз ҳиссаларини қўшишди.

— Бугун катта байрам, турли миллат вакиллари Ўзбекистон умумий уйимиз шiori остида Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кутаринки кайфиятда нишонлашди, — дейди татар миллий маданий маркази раиси Альфия Халикова. — Турли миллат вакиллари куй-қўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди. Ўзаро аҳиллик, ҳамжихатлик натижасида мана шундай байрамларни ўтказиш мумкин деб ҳисоблайман. Ўртимиздаги тинчлик-товулик, ҳамжихатликка кўз тегмасин.

Яшнобод туманидаги «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият маърифат маркази атрофидаги майдондаги халқ сайли ҳам байрамона кайфиятда ўтди. «Шодлик» карнай-сурнай ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қoшидаги ҳарбий оркестрнинг садолари барчани сайилга чорлади.

— Ўртимиз бўйлаб жойларда ўтказилаётган байрам шодиёналари халқимизнинг қалбига чексиз қувонч бағишламоқда, — дейди «Тўйтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Раззоқов. — Туманимизда бундай шодиёналар ҳар йили катта хурсандчилик билан ўтказилади. Айтиш жоизки, тумандаги мавжуд 3 та маданият ва аҳоли дам олиш марказининг бадий ҳаваскорлик жамоалари, халқ чолғу ансамблларининг чиқишлари аҳоли кайфиятини кўтарди.

— Байрам дастури доирасидаги тadbирнинг «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» қисмида туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази қoшидаги у-шу спорт мактаби ёш спортчиларининг чиқишлари баркамол авлодга қаратилаётган эътиборнинг юқорилигини намoён этди, — дейди уй бекаси Элнора Абдуҷабборов. — Спортнинг у-шу турига катта фарзандим қатнашади. Кичик фарзандимда ҳам қизиқиш уйғонгани мени қувонтирди. Эл севган ва ёш санъаткорларнинг куй-қўшиқлари барчамизга манзур бўлди.

Сергели тумани аҳолиси ҳам байрам шодиёналарини кутаринки руҳда нишонлади. Тумандаги «Бахт дийр» гузарига «Жону таним, борлигим, фидо сенга жон Ватан!» деган мавзусида ўтказилган умумхалқ сайлида иштирок этаётган отахону онахонларимиз томонидан мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар тилга олинди, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаётимиз, тўкин дастурхонимизга шукроналар айтилди.

— Бундан 23 йил олдин давлатимизнинг бунчалик ривожланишини, бундай шодиёна руҳдаги байрамлар ўтказишимизни тасаввур ҳам қилолмасдик, — дейди Сергели туман маданият ва спорт ишлари бўлими тасарруфидagi тўртинчи сон маданият ва аҳоли дам олиш маскани бадий раҳбари Озода Қодирова. — Истиклол йилларида юртимиз жуда тез тараққий топди ва юксалди. Номин дунёдаги ривожланаётган давлатлар қаторида тилга олинadиган бўлди. Ҳар бир соҳа: ишлаб чиқариш, илм-фан, спорт,

тиббиёт, қурилиш ва бунёдкорликда энг замонавий технологиялар қўлланилиб, билимли ва интеллектуал салоҳияти юқори кадрлар, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда бугун давлатимиз бошқалар ҳавас қилса арзигулик юксак натижаларга эришмоқда. Биласизми, бахт деган тушунчани ҳар ким ҳар хил тушунади ва бунга одамларнинг қарашлари ўзгача. Мен осмонимиз мусаффолигини, юртимиз тинчлигини, оила аъзоларимизнинг соғлом ва хотиржамлигини бахт деб биламан, бу бахтни эса бизга мустақиллик берди. Ниятим, истиклолимиз ва тинчлигимиз абадий бўлсин. Халқимиз фаровон, оилаларимиз тотув, ҳаётимиз бундан-да гуллаб-яшнасин.

Тумандаги бадий жамоаларнинг чиқишлари, спортчи ёшлар томонидан намойиш этилган саҳна кўринишлари ва «Ўзбекнаво» эстрада биллашмаси хонандалари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар сайил иштирокчилари кўнгилларини хушнуд этди.



Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида **Мирзо Улуғбек** тумани аҳолиси байрам сайлини ўтказди.

Байрам тadbири концерт дастуридан ўрин олган «Элим соғлом боласи, Ватаним гул, лоласи» номли болажонларнинг мусиқий чиқишлари, Республика Ёш томошабинлар театридан Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Абдулазизова, актёр Баҳром Усмонов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Соҳибов, «Ёшлик» намунали болалар рақс дастаси, «Бахс» вокал чолғу дастаси томонидан ижро этилган куй-қўшиқларда Ватан мадҳи энг юқори пардаларда тарабнум этилди. «Фарзандлари соғлом юрт — қудратли бўлур!» мавзусидаги спорт чиқишлари ҳамда «Гулшан» халқ ашула ва рақс ансамбли, «Ўзбекнаво» эстрада биллашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари Элмурод Мирдадев, Зайниддин Маҳаматқаримов, Ёззоҳон Мамадалиева, Азиз Қосимжўаев, Шерзод Якубов, Азиз Йўлчибоев ҳамда «Нурафшон» эстрада-театр студиясининг чиқишлари меҳмонларнинг кўнглида байрам нашидасини уйғотди.

— Ўртбошимиз раҳнамолигида мана шундай дорилмон кўнларга етиб келдик, — дейди Мирзо Улуғбек маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Раҳима Юсупова. — Ҳар бир хонадонда файзу барокат, Ватанимиз тинч бўлсин. Тумандаги 2-3-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказлари томонидан ҳар бир маҳаллада байрам тadbирлари ўтказилди. Мана шундай маънавий-маърифий тadbирларга келган болажонларнинг кўзидаги қувончни кўрсангиз, кўнглингиз яйраб кетади. Қолаверса, байрам нашидаси ўзгача шукҳ билан давом этмоқда. Бугун «Лашкарбеги» маҳалласида Ўзбекистон халқ артисти Муқаддас Холикова билан учрашув ташкил қилганмиз.

Энг улуг, энг азиз айём «Гулшан» номли маданият ва истироҳат боғида ҳам уюшқоқлик ва шоду хурамлик билан умумхалқ сайли тарзида ўтди.

Боғларда болажонларнинг шодон кулгулари ҳамда кўзларидаги қувонч, Ватанга бўлган муҳаббатларини англайсиз. Улардан бирини суҳбатга чорладик.

— 2-сонли маданият ва аҳоли дам олиш марказида «Нихол» рақс тўғарағига анчадан буюн қатнашиб келмоқдаман, — дейди 121-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Шаҳноза Раҳимова. — Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим. Биз ушбу халқ сайлида ўзбек халқ рақсларини ижро этмоқдамиз.

Бектемир тумани Сувчи даҳасидаги «Кўёшча нури» болалар боғида ҳам «Жону таним, борлигим, фидо сенга жон Ватан!» деб номланган халқ сайли бўлиб ўтди.

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театр жамоаси актёрларининг қувонч чиқишлари, «Ўзбекнаво» эстрада биллашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари томонидан ижро этилган Ватаним мадҳ этувчи куй-қўшиқлар байрам тadbирига ўзгача файз бағишлади.

Айниқса «Дивас» гуруҳи, «Нарғиз» рақс дастаси ва бошқа болалар иштирокидаги гуруҳларнинг чиқишлари эътиборга сазовор бўлди.

— Мазкур халқ сайли ўзгача бир кайфиятда ўтмоқда, — дейди Бектемир тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Дилафрўз Қурбонова. — Бу байрам тadbирини ўтказишдан мақсад келажакимиз пойдеворлари бўлиши ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг онг-тафаккурига эзгу ғояларни сингдиришдан иборатдир.

Юнусобод туманида жойлашган Тошкент ҳайвонот боғида туман ҳокимлиги томонидан халқ сайли ўтказилди. Тadbирда туманда истиқомат қилувчи аҳоли ва шахримиз меҳмонлари иштирок этди.

Тadbирда Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикали театри артистлари, М.Қорйёқубов номидаги академик ва халқ бадий жамоалари дирекциясининг «Мумтоз» ансамбли хонандалари, «Иқтидор» вокал-чолғу дастаси, «Жасорат» халқ ашула ва рақс ансамбли, «Настарин» эстрада халқ жамоаси, «Ўзбекнаво» эстрада биллашмаси Тошкент шаҳар бўлими хонандалари ва бир қанча ижодий гуруҳларнинг бадий чиқишлари ҳамда куй-қўшиқларида умумхалқ сайлига келганлар баҳраманд бўлишди.

— Мазкур байрам тadbирида турли ўқув маркази қатнашчиларининг ўзлари яратган ишлари кўргазмаси ҳам ташкил қилинди, — дейди Юнусобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими мудири Фурқат Широнов. — Ўртимизда ёш авлод камолоти йўлида яратилаётган юксак имкониятларни кўриб, қилинган баҳри-дили очилади. Айниқса, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараси ўларoқ ёш спортчиларимизнинг улкан марраларини эътиборга олиб, ўзига хос тақдорларидир.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган халқ сайиллари ҳар бир туманда миллий қадриятларимизни қамраб олиб, ўзига хос тақдорларимизга гўзал анъана ва урф-одатларимизга риоя қилган ҳолда ўтди.

(Ўз мухбирларимиз)
Ислом Исмоилов олган суратлар

Анжуманлар

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда тadbиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятида текширишлар сонини чеклаш, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар беришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан «Иқтисодиётда тadbиркорлик тараққиёти ҳамда инвестициявий имкониятларнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани ҳам айнан юқоридagi йўналиш доирасида ташкил этилганлиги билан эътиборга сазовордир.

Жумладан, тadbиркорликни тараққий эттириш ва инвестициявий имкониятларни кенгайтиришнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлашдан тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда қабул қилинган аксарият қонун ҳужжатларида айнан «ишбилармонлик муҳити» тушунчаси кенг қўлланилмоқда. Мазкур тушунча ўзида тadbиркорлик субъектини давлат рўйхатида олишдан тортиб то тутатишгача бўлган жараёни қамраб олишни инобатга оладиган бўлса, унинг ўзи бу босқичда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмунан қай даражада кенглиги ҳамда аҳамияти жиҳатидан муҳимлигини кўрсатади.

Тadbирда сўз олган Адлия вазирлигининг Тadbиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Шокир Саидов ўтган йилларда Президентимиз томонидан қабул қилинган «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги, «Статистика, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тadbиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тadbирлари тўғрисида»ги Фармонлар юртимизда тadbиркорлик фаолиятининг ривожланишида муҳим омили бўлаётганлигини таъкидлаб, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга-хилоф равишда аралашганлик учун айбдор шахсларнинг жавобгарлиги бир қадар кучайтирилганлиги ҳақидаги фикрларни келтириб ўтди.

Адлия вазирлиги мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган тadbирда тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада кенгроқ эркинликлар бериш борасидаги қонунчилик жараёни такомиллашуви самарали давом этаётганлиги ҳам қайд этилди. Бунинг исботи сифатида жорий йилнинг 7 апрель кuni Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасида инвестиция қилими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши келтириб ўтилди.

Ушбу Фармонга кўра ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортқича талабларнинг бекор қилиниши ҳисобига 31та рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилган. Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет тармоғи орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 2014 йилнинг 1 октябридан бошлаб, Ўзбекистон Республикасининг Интерактив давлат хизматлари ягона порталида махсус «тadbиркорлик субъектининг кабинети» ишлаши, молия, солиқ, статистика ва бошқа турдаги ҳисоботларни интерактив расмийлаштириш ва тақдим этиш йўлга қўйилиши, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, коммунал тўловларни, лицензия ва рухсат этиш характерига эга ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларни олишда тўланадиган йиғимларни ҳамда давлат божларини Интернет-банкнинг тизими орқали тўлаш каби имтиёзларнинг жорий этилиши тadbиркорлик фаолияти ривожига хизмат қилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тadbир давомидa Адлия органлари томонидан тadbиркорлар ҳамда хорижий инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида адлия органлари томонидан тadbиркорликка шунингдек, хорижий инвестицияларга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижасида маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 529 та ноқонуний қарорлари бекор қилинди. Тadbиркорлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг манфаатини кўзлаб судларга 11,5 миллиард сўмликдан ортқича 766 та даъво аризалари киритилди.

Матбуот анжуманида журналистларга шу соҳага оид норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ижодкорлиги, тadbиркорлар билан ўтказилаётган «Очиқ эшиклар кuni», «Ягона ойна» марказлари фаолияти юзасидан ҳам атрафлича маълумот берилиб, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Шоира МУХАМЕДОВА

Тадбирлар

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН
ЮРТ

Айни кунларда шахримизнинг барча гўшаларида «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Мана шундай тадбирлардан бири Олмазор туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ЎзЛиДеП Тошкент шаҳар, Олмазор туман Кенгаши ва туман истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилди.

«Эшўлат ота» гузарига ташкил этилган ушбу тадбирга депутатлар, тадбиркор аёллар, Зулфия

номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, бошланғич партия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди.

Йигилганларни Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари ташкилотлари биллашмаси Кенгаши раиси в.б. Баходир Дадабоев ва бошқалар байрам билан самимий муборакбод этиб, муваффақият билан ривожланиш, эли-



миз фаровонлигининг бош омили бўлган муваффақият берган наъматлар, ўтган қисқа давр ичида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, ислохотлар самараси ҳақида фахр-ифтихор билан фикр билдириб ўтдилар.

Тадбирда мутасадди ташкилотлар томонидан эҳтиёжманд оилалар

вакиллари, фаол аёлларга эсдалик совғалари топширилди.

Ғанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар ва Олмазор туманидаги 25-музыка мактаби ўқувчилари томонидан янграган дилбар куй-қўшиқлар эса барчага янада хуш кайфият улашди.

Шахризода МУҲСИМОВА
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасида академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирган қизларни иш билан таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унга вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталарининг фаоллари, бандликка кўмаклашиш марказлари, ўқув марказларининг мутасаддилари, битирувчи қизлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова бошқарган тадбирда таъкидланганидек, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида аҳоли, айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Бу борада қизларни 12 йиллик узлуксиз таълим билан тўлақонли қамраб олиш, уларга билимлар билан бирга замонавий касб-хунар сирларини ўргатиш, ишга жойлаштириш, тадбиркорликка оид ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашиш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўриломоқда.

Бу йил мамлакатимиздаги 1034 касб-хунар коллежини 495 минг 229 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 243 минг 520 нафари қизлардир. Коллежни тамомлаган қизлар 126 дан зиёд корхона ва ташкилотларга бириктирилди.

Кўмита томонидан тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида 2014 йилда битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар

ва туманларда 1700 га яқин махсус штаб тузилди. Ушбу штаблар таркибига «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Ички ишлар вазирликлари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими мар-

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

БИТИРУВЧИ ҚИЗЛАРГА
АМАЛИЙ КЎМАК

кази, Савдо-саноат палатаси, тегишли компаниялар, банк-молия тузилмалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари киритилган.

Мазкур штаблардан олинган сўнгги маълумотларга кўра, шу кунларда қарийб 140 минг нафар қиз ишга жойлашган. Айни пайтда жамоатчилик штабларининг ишчи гуруҳлари томонидан ишга жойлашмаган қизларнинг эгаллаган касблари бўйича бандлигини таъминлаш чоралари кўриломоқда. Битирувчи қизларни ишга жойлаштиришда Хоразм, Наманган, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари етакчилик қилаётди.

Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг қуйи тизимлари орқали 7 минг нафардан ортиқ қизнинг

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирганлиги аниқланиб, тижорат банклари томонидан уларга 46,5 миллиард сўм миқдорда кредит ажратилишига кўмаклашилди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси билан ҳамкорликда коллежни тамомлаган қизларнинг амалиёт ўтаб, тадбиркорлик кўникмаларини эгаллаши, уларни иш билан таъминлаш юзасидан бир қатор ижтимоий лойиҳалар амалиётга муваффақиятли жорий этилмоқда. Юртимиздаги барча ўқув марказлари билан биргаликда қизларга қўшимча касб-хунар сирларини эгаллашга яқиндан кўмаклашиш, мутахассислик курсларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қизларнинг қанча кўп касб-хунар эгаллагани уларга шунча кўп наф келтиради, — дейди Тошкент шаҳридаги «Ифратли келин» ўқув маркази раҳбари Солиҳа Нигматова. — Марказимизда ёшларга қирқдан ортиқ йўналиш бўйича касб-хунар сирларни ўргатилади. Банклар билан имзоланган шартномаларга кўра битирувчи қизларга имтиёзли кредитлар ажратиш имконияти ҳам мавжуд. Ўқув курсларини тамомлаган қизлар бугунги кунда чеварлик, пазандалик цехлари, гўзаллик салонларини очиб, ўз хусусий ишини йўлга қўйган. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор уларнинг қўшимча касб сирларини эгаллаши, иш билан таъминланишида яна ҳам яққолроқ намойён бўлмоқда.

Йиғилишда Тошкент шаҳридаги ўқув марказларида қўшимча касб-хунар эгаллаган 400 нафар қизга сертификатлар топширилди. Битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

ҲАРБИЙ КАДРЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ
ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизда мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларига тингловчи ва курсантларни қабул қилишнинг янги тартиб-қоидаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Муваффақиятнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Миллий армиямиз сафларини бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук ва ҳар қандай шароитда муваффақият қиларди оладиган мутахассислар билан тўлдириш мақсадида ҳарбий таълим соҳасида ислохотлар олиб борилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низомга мувофиқ Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти, Самарқанд олий ҳарбий автотомобиль кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида қабул қилиш тартибига ўзгариш киритилди. Тошкент Тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультети эса бундан мустасно. Ушбу факультетга курсантларни қабул қилиш тартиб-қоидалари ўзгаририлмади.

Тадбирда таъкидланганидек, олий ҳарбий таълим муассасаларига ҳарбий-профессонал йўналиш, дастлабки танлаш, ҳарбий-профессонал танлаш ва тест синовларини назарда тутувчи танлов асосида тингловчилар босқичма-босқич саралаб олинади.

Ҳарбий профессионал йўналиш касб танловчининг шахсий майллари, қизиқишлари ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда уларга ҳарбий касбга қўйилган талабларни ва бу касбни онгли танлаш лозимлигини тушунириш ҳамда мутахассисликни танлашда ёрдам беришга қаратилган.

Дастлабки танлаш олий ҳарбий таълим муассасасига киришга қарор қилган фуқаро ёки ҳарбий хизматчига тегишли маълумотларни, унинг таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражасини, индивидуал-психологик хусусиятларини, жисмоний тайёргарлиги ва соғлиги ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва ўрганишга қаратилган.

Ҳарбий-профессонал танлаш босқичида номзоднинг психофизиологик хусусиятлари, соғлиги, умумжисмоний тайёргарлиги, билим даражаси қайтадан кўриб чиқилади ва шундан сўнг яқиний суҳбат ўтказилади. Яқиний суҳбатдан сўнг номзодларга тест синовларини топшириш учун рухсат берилади.

Тест синовлари олий ҳарбий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда номзодларнинг умумтаълим даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказилади.

Анжуманда шунингдек, олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда амалда қўлланиб келинаётган имтиёزلарни тақдим этиш тизимида ўзгариш киритилмагани таъкидлаб ўтилди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Оила» илмий-амалий маркази томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва белгиланган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

2014 йил — Соғлом бола йили

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари, Маънавият тарғибот, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказлари, Дин ишлари бўйича кўмита, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар ва журналистлар иштирок этди.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Х. Мамадалиева, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Н. Тожиева, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Республика бошқаруви раиси ўринбосари Г. Алимова ва бошқалар ўз чиқишларида мамлакатимизда оила институтининг мавқеини янада юксалтириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилалар тинчлиги ва фаровонлигини оширишга қаратилган эътибор давлатимиз тараққиётини юксалтиришда муҳим омили бўлаётганини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида олиб борилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Давлатимиз томонидан ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалар тадбиркорлигини ривожлантиришга бағишланган ишларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Оилаларда тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб

қилиш, ажримлар ва турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш, маънавий муҳитни барқарорлаштиришда шифокорлар, мутахассислар ва экспертлар томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий, тиббий, психологик тарғибот ва ташвиқот тадбирларининг аҳамияти катта.

Республика «Оила» илмий-амалий маркази томонидан бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада яхшилаш, болалар тарбиясига эътибор қаратиш, уларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишида миллий урф-одат ва қадриятларимизнинг ўрни, оилавий келишмовчиликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотларининг бирлиги ва ҳамкорлиги самаралари, соғлом оилани шакллантиришга бағишланган 70 дан ортиқ турли анжуманлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил қилинди.

Тўй ва турли маросимларни ихчамлаштириш бўйича ижтимоий-психологик сўровлар ўтказилиб, натижалари таҳлил этилди.

Оилада бола тарбияси, соғлом бола туғилиши ва уни вояга етказишни таъминлашда ота-оналарнинг ўрни ва вазифаси, тарбия ҳамда тиббий маданиятни шакллантириш каби масалаларни ўз ичига қамраб олган 10 та қўлланма ва рисола чоп этилди.

Анжуман доирасида ушбу янги нашрларнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоб олдилар.

Гулчеҳра САТТОВА

Анжуманлар

ТАВСИЯЛАР ИШЛАБ
ЧИҚИЛДИ

Юртимизда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва шу билан бирга «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини рўёбга чиқаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётган. Ўтган даврда бу борада 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилганлиги ҳам фикримизга далил бўла олади.

Бундай саясий-ҳаракатлар туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳаллаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу албатта демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ва Яққасарой туман Кенгаши томонидан Яққасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласида «Маҳалла — аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусида ўтказилган давра суҳбатига ҳам айнан юқоридаги фикрлар доирасида сўз юритилди.

Жумладан тадбирда сўз олган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари Н. Эшметова, А. Ҳошимов, Яққасарой туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлим бошлиғи Б. Абдушукров ва бошқалар бугунги кунда республикамизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатаётган бўлса, улар томонидан аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш, кам таъминланган оилалар, ногирон ва боқувчисини йўқотганларни ҳамда ёлғиз кексаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кўп қайри ишлар амалга оширилаётганлиги ҳақидаги фикрларни билдириб ўтдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Хайъатининг 2012 йил январдаги «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» мавзусидаги лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ жорий йилда республикамизнинг ҳар бир ҳудудда Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Давлат солиқ кўмитаси, Республика бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, «Маҳалла» жамоат фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда давра суҳбатлари ташкил этиб келинмоқда.

Ушбу лойиҳадан кўзланган мақсад эса маҳалла аҳолиси, айниқса партия электорати вакиллари билан мулоқотда бўлиш, уларни ўйлантираётган масалалар мониторингини ташкил этиб, уни депутатлар ўз жойида ҳал этишидан иборатдир.

Тадбир давомидида лойиҳани давом эттириш, айниқса бу борада депутатларнинг ишга жойлаштиришга қўйилаётган аҳоли, аёллар ва ёшларни оилавий тадбиркорлик, касаначилик меҳнат турларига жалб этиш, жисмоний имконияти чекланган фуқароларга ёрдам бериш, шунингдек, маҳалланинг оила институтини мустаҳкамлашдаги ролини ошириш, баркамол авлодни тарбиялаш ва унда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда маҳалла, оила ва ўқув юрларининг ҳамкорлигини кучайтиришга жиддий эътибор қаратишлари кераклиги таъкидлаб ўтилди.

Қўрилган масалалар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, қатнашчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берилди.

Маргарита АХМЕДБЕКОВА,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Тошкент шаҳар Кенгаши раиси
ўринбосари

КЎРТАЗМА ТАШКИЛ
ЭТИЛДИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган «Ўтганлар ёди» деб номланган давра суҳбатини бўлиб ўтди.

Тадбирда адабиётшунос олимлар, тарихчилар, шоир ва ёзувчилар, кутубхона фойдаланувчилари қатнашди. Сўзга чиққан профессор Наим Каримов, доцент Сотимжон Холбоев, шоир ва ношир Шукур Қурбон ва бошқалар қатагон даври ва унинг келиб чиқиши сабаблари, бу давр ҳақида ҳаётий лавҳалар, илмий изланишлар, чоп этилаётган мақолалар, китоблар ҳақида фикр юритдилар.

Тадбир муносабати билан кутубхонанинг «Тафаккур» ўқув залида қатагон қурбонлари хотирасига бағишланган китоб-расмий кўргазма ҳам ташкил этилди.

Хусан ДОВУДОВ



Ушбу олган суратлар

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 276-умумтаълим мактабининг 4-синф ўқувчиси Гулдаста Аҳмедова маҳалласида жойлашган 41-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг тазквондо тўғрисида қатнайдиган. Жисмонан соғлом бўлиб вояга етган бу қизалоқ ёш бўлишига қарамай ҳаётда кўзлаган мақсади – жаҳон чемпиони бўлиш йўлида тинимсиз ҳаракат қилаётгани кувонарлидир.

– Тазквондо бўйича Осиё чемпиони, Хитойда бўлиб ўтган II ўсмирлар Олимпиадаси совриндори Умида Абдуллаевага жуда ҳавас қиламан, – дейди Гулдаста. – Мен ҳам келажакда Умида опага ўхшаб етук спортчи бўлиб етишиш учун мунтазам шуғулланмоқдаман.

Соғлом танда – соғ ақл, дейди халқимиз. Спорт ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаши билан бир қаторда ўғил-қизларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик, иродаси мустаҳкам, дунёқараши кенг инсонлар бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантириш, юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий спорт мажмуалари қуриш, уларни зарур ускуна ва инвентарлар билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар замирида ҳам халқимизнинг фарзандларини соғлом

2014 йил – Соғлом бола йили

СПОРТ – ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ

ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказишдек эзгу орзуларини рўйбга чиқариш мақсади мужассамдир.

Буни Шайхонтоҳур туманидаги 41-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган йилдан бошлаб болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мақомини олган, бу масканда кўшимча секциялар фаолияти йўлга қўйилди ва қатновчилар сони кескин ошди.

– Спорт мактабимизнинг футбол, бадий гимнастика, айкидо, тазквондо (WTF), эркин кураш секцияларида 380 нафар ўғил-қиз спорт билан шуғулланади, – дейди мактаб директори

Шерзод Зематов. – Айни пайтда волейбол, баскетбол, стол тенниси секцияларини ташкил этиш ҳаракатидамиз. Мақсадимиз ушбу спорт турлари бўйича ҳам халқаро майдонларда мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тарбиялашдир.

Ушбу спорт мактаби тарбияланувчиларининг турли мусобақаларда эришаётган натижалари йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда беш нафар спортчи эркин кураш бўйича мамлакат чемпиони бўлди. Қашқадарёда ўтказилган спорт мактаблари ўртасидаги мамлакат чемпионати

тида 41-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Мактабда ташкил этилган бадий гимнастика тўғрисида қизлар саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган. Юзларида беғуборлик балқиб турган жажжи қизалоқларнинг нозик ҳаракатлари кунт билан бажариши кишида ҳавас уйғотади.

– Ўн ойдан бери бадий гимнастика тўғрисида қатнашман, – дейди 314-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гўзал Турсунова. – Ўтган вақт мобайнида мураббиямиз Азиза Авазовадан бадий гимнастиканинг мураккаб элементларини бажаришни ўргандим. Асосийси, спорт ҳаракатчанлигимни, фаоллигимни оширишга хизмат қилмоқда, қатъий кун тартибига риоя қилишга ўргатмоқда.

Бугун спортга ҳаваси ортиб, соғлом турмуш тарзига ошно тутинаётган ўғил-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар спорт машғулотида орқали саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил интилаётган. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, ёшлар камолоти йўлида яратилаётган имкониятлар уларга қанот бўлаётган.

Жавоҳир ТОШҲУҲАЕВ,
ЎЗА мухбири

«Камолот» лойиҳалари

ЁШЛАР ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш» «Камолот» билан!» лойиҳаси доирасидаги барча тадбирлар болажонларнинг ёзги таътил вақтларини мазмунли ўтказишлари имконини яратди.

Туман ёшларининг ёзги таътил давомида бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, Ватанга меҳр-содқат туйғуларини шакллантириш, соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашга катта эътибор қаратилди.

Айниқса лойиҳадан ўрин олган инглиз тили тўғрисида хорижий тилларни мукамал ўрганишга астойдил қиришган болажонлар учун янада қизиқарли бўлди.

– Июнь-июль-август ойларига мўлжалланган 3 ойлик инглиз тили ўқув машғулотида 20 дан ортиқ туман маҳаллаларида истиқомат қиладиган болажонлар қамраб олинди.

– Биз болажонларнинг инглиз тилини ўрганишлари учун дастлабки шароитни яратиб бердик, – дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёевидинов. – Албатта, тўғрак машғулотида иштирок этган болажонлардаги инглиз тилини ўрганишга бўлган интилиш бизни қувонтирди. Ўқув машғулоти туман Кенгашининг фаоли, Тошкент Давлат шарқшунослик институтини инглиз тили мутахассислиги бўйича таъминлаган, Чилонзор коммунал хўжалиги ва сервис касб-хунара коллежи инглиз тили ўқитувчиси Соҳиббек Ибрагимов олиб борди.

Маҳалла ёшларига машғулотлар давомида инглиз тили грамматикаси, сўзлашув қоидалари, феъллар, олмошлар, замоналар бўйича билимлар берилди.

– Ўқув машғулотида бошлаган пайтимизда гуруҳдаги болажонларнинг барчаси ҳам бирдек инглиз тилини билмасликлари мени озгина таажжублантирган эди, – дейди тўғрак раҳбари Соҳиббек Ибрагимов. – Уч ой давомида биз болажонлар билан инглиз тилининг асосий грамматикаси ва сўзлашув машғулотларини яқунлашга муваффақ бўлдик. Бугунги кунда тўғрак аъзоларининг бир-бирлари билан инглиз тилида сўзлашишга интилишлари ва ҳаракатларини кўриб, кўзлаган мақсадимизга қайсидир маънода эришдик десам муволаф бўлмайди.

Ўз ўрнида тўғрак иштирокчилари билан турли мавзуларда амалий машғулотлар ташкил этилиб, болажонларнинг инглиз тилида нутқ ва сўз бойликлари ошириш борасида танловлар ўтказилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида галерея фаолиятининг 10 йиллигига бағишланган «Илҳом қиёфалари» деб номланган кўргазма очилди.

САРА ИЖОД НАМУНАЛАРИ

Галерея фонди захирасига Ўзбекистон Ташкилот иқтисодий фаолият Миллий банки санъат асарлари тўплами асос бўлиб, у 1990 йилларда шакллана бошлаган эди. Бугун бу фонdda Ўзбекистон мустақилликка эришган даврдиги ҳамда XX асрдаги тасвирий санъатнинг турли йўналиш ва жанрлари, услубларидиги рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарларидан намуналар сақланади. Бу ерда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда. Тасвирий санъатга ва нумизматикага оид каталоглар ва бошқа қатор илмий нашрлар чоп этилган. Галереяда ташкил этилган «5+1» ёш ижодкорлар гуруҳи замонавий санъат доирасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда. Бу ерда коллекцион ишлар билан бир қаторда доимий кўргазмадан ташқари тасвирий санъат асарлари бўйича кўргазмалар ҳам ўтказиб турилади. Ўтган давр мобайнида ташкил қилинган қатор кўргазмаларда нафақат юртимиз расмларининг, шунингдек, хорижий мамлакатлар мусав-

вирларининг асарлари ҳам намойиш қилинди. Кўргазмалар айниқса, ёшларнинг маърифий-маънавий жиҳатдан ўсишига, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишда хизмат қилди.

Мазкур «Илҳом қиёфалари» кўргазмасида томошбинлар галерея тўпламидан ўрин олган санъатнинг турли йўналиш ва жанрлари, услубларидиги рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик ва бошқа йўналишдаги санъат асарлари намуналари билан танишишлари мумкин. Шунингдек, ёшларнинг маърифий-маънавий жиҳатдан ўсишига, миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишда хизмат қилди.

Тадбирнинг очилишида галереяга Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Бадий академиясининг дипломи топширилди.

Кўргазма 27 сентябргача давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

«101»

ЁНҒИНГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Ёнғин туфайли дунё бўйлаб йилга қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, соғлигини йўқотади, ҳатто ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам қузғинлади. Ўшлай чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлган ёнғинлар кишиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз бу офатга қарши ёқуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона ва ташкилотлар биноларида, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш жуда муҳим. Қоидаларга амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бирининг ёнғинлиги барчага аён. У қай тарзда юзга келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изларини қолдириши табиий.

Айниқса киш қўнлари иситиш ёки электр тизимларидаги, печка мўриларидаги арзимасдек кўринган носолиқлар ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёнғин турган газ ёки электр плитасини қаровсиз қолдириш, бошқаришни болаларга ишониб қўйиш ҳам хавфсизлигини изга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

Ота-боболаримиз киш ғамини ёзда ёйиш керак, деб ўқитиб келишди. Шундай экан юқорида айтиб ўтилган қишга тайёргарлик ишлари пайсалга солинмаса, бар-

часи қўнғилдагидек бўлади. Асосийси, ёнғин хавфсизлиги ҳодимлари аҳоли ўртасида, корхона ва ташкилотларда доимий тарзда ёнғинга олиб келувчи турли омилларга йўл қўймаслик борасида туршунтириш ишларини олиб боришлари зарурдир.

Қамолдин ШОМАХАМЕДОВ,
Тошкент Метрополитенини қўриқлаш бўйича Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, кичик сержант

АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Республика ахборот-кутубхона марказида ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари директорлари ҳамда етакчи мутахассислари учун ахборот алмашиш тизимини такомиллаштиришга бағишланган ўқув-видеосеминари ўтказилди.

Истиқлол йилларида жамиятимизда кутубхоналарнинг ўрни тубдан ўзгарди. Улар фаолиятига инновацион ишланмалар, фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг янги шакл ва услублари жорий этилди. Кутубхоналарда китоб фондини мунтазам янгилаш ва бойитиш, илмий-маърифий, бадий адабиётларнинг электрон шакллари яратиш, тезкор ва сифатли ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, ушбу муассасаларнинг илмий-техник ахборот алмашиш бўйича ўзаро ҳамкорлиги масаласи ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Ушбу йўналишда зарур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 23 февралда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари кўрсатишнинг сифат жиҳатидан ривожлантиришни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ахборот-кутубхона муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги борасидаги имкониятларни кенгайтириб, соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

2008 йил Тошкент Ахборот технологиялари университети ўқитувчилари, ёш олимлари ва талабалари томонидан ишлаб чиқилган «ARMAT» автоматлаштирилган кутубхона тизимининг мамлакатимизда фаол жорий этилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Айни пайтда унинг учинчи шакли устида иш олиб борилмоқда.

– Юқори интеллектуал ва технологик имкониятларга эга бундай тизим МДХ мамлакатларида йўқ, – дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-кутубхона тизимлари кафедраси профессори Марат Раҳматуллаев. – Масалан, ушбу тизим каталоглаштиришда йўл қўйилган хатони автоматик тарзда тузатиш, ресурслардан фойдаланиш тўғрисидаги статистика ахборотини тўплаш ва унга ишлов бериш, маълумотлар базасида матн нусхаларини топиш (антиплагиат), виртуал электрон кутубхона яратиш имконини беради. Бундан ташқари, яна бир қанча афзалликларга эга ушбу тизим бугунги кунда 61 олий ўқув юртида, шунингдек, қўллаб ахборот-кутубхона муассасаларида жорий этилган. Айни пайтда уни юзта академик лицей ва касб-хунара коллежида синаб кўриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Ўқув-семинарида «ARMAT» тизими имкониятлари намойиш этилди. Уни такомиллаштириш, ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳамкорлигини кенгайтиришга оид таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Муҳаммад ҚАРШИБОВЕВ,
ЎЗА мухбири

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Тошкент шаҳрида 3 сентябрь кунини ҳаво вақти-вақти билан ўзгартирилади, ёнғингарчилик бўлмайди. Гарбдан секунди-га 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси

15-17, кундузи – 32-34 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 3 сентябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратилади, тағмиқдорли паст бўлади.

Тошкент Оқшом

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@mail.ru

Буюртма Г- 955

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи – 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми – 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5779 нусхада босилди. Қозғо бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га – 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ